

Тошкент ислом институти магистратура ва модуль тизимига қабул эълон қилинади



11:46 / 29.06.2025 1349

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Таълим ва илмий-тадқиқот бўлими 2025-2026 ўқув йили учун Тошкент ислом институти магистратура босқичи ва модуль таълим тизимига талабгорлардан ҳужжатларни қабул қилиш саналарини маълум қилади:

Модуль таълим тизимига 2025 йил 1 июлдан 20 июлгача;
Магистратура босқичига 2025 йил 1 июлдан 30 июлгача.

Хорижий давлатлардаги олий диний таълим муассасаларини тамомлаган ва мамлакатимизда нострификациядан ўтказилган дипломга эга бўлган абитуриентлар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) ҳам ҳужжат топширишлари мумкин.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг магистратура босқичига ўқишга кириш истагида бўлган талабгорлар Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим муассасаси ректори номига ариза;

паспорт ёки ID карта нусхаси (асли кўрсатилади);

олий диний таълим муассасасини тамомлагани тўғрисидаги ҳужжат

(диплом) ва унинг иловаси нусхаси (асли кўрсатилади);

3,5 x 4,5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат (сўнгги уч ойда олинган ва орқа фони оқ рангда бўлиши талаб этилади).

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Модуль таълим тизимида ўқишга кириш истагида бўлган талабгорлар Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим муассасаси ректори номига ариза;
паспорт ёки ID карта нусхаси (асли кўрсатилади);
ўрта махсус ислом таълим муассасасини тамомлагани тўғрисидаги ҳужжат (диплом) ва унинг иловаси асл нусхада;
3,5 x 4,5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат (сўнгги уч ойда олинган ва орқа фони оқ рангда бўлиши талаб этилади);
иш жойи бўйича Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистон Республикаси қозиёти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакилидан тавсиянома;
меҳнат дафтарчаси нусхаси (тасдиқланган ҳолда).

Эслатиб ўтамиз: Модуль таълим тизимида ўрта махсус ислом таълим муассасаларини тамомлаган ҳамда тўрт йил ва ундан ортиқ муддат давомида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги масжидларда фаолият юритаётган имом-хатиб ва имом ноиблари танлов асосида ўқишга қабул қилинади.

2025-2026 ўқув йили қабул жараёнлари ҳақидаги сўнгги янгиликларни @qabulmuslimuz (<https://t.me/qabulmuslimuz>) телеграм саҳифасида кузатиб боринг.